

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИГИНИ БАҲОЛАШДА МЕДИАСАВОДХОНЛИК

Н.М.Халикова

Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш

миллий маркази катта ўқитувчиси,

E-mail: nilushkhalik59@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада ўқитувчининг рақамли саводхонлигини баҳолашда медиасаводхонлик, рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолашда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозим ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: медиасаводхонлик, медиа, масс-медиа.

Таълим тизимида рақамли технологияларни кенг жорий қилиниши ва ундан дарс жараёнида самарали фойдаланишлари учун ҳар бир педагогдан муайян бир малакалар талаб этилади.

Ўқитувчининг рақамли саводхонлигини касбий фаолиятида турли хил ахборот жараёнларини амалга оширишда фойдалана оладиган хавфсизлик мезонини ҳисобга олган ҳолда ахборотни яратиш, қидириш, узатиш, сақлаш, қайта ишлаш кўникмалари асосида белгилаш мумкин. Ўқитувчиларнинг рақамли саводхонлигини баҳолаш учун рақамли саводхонликнинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш керак.

Маълумки [1], рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- ахборот саводхонлиги (қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш қобилияти);
- компьютер саводхонлиги (рақамли қурилмалар билан ишлаш қобилияти);
- медиа саводхонлиги (оммавий ахборот воситаларини танқидий ўрганиш имконияти);
- коммуникатив саводхонлик (замонавий рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш қобилияти);
- технологик инновацияларга (янги технологияларга) ижобий муносабатни шакллантириш;
- Ушбу мақолада ўқитувчининг рақамли саводхонлигини баҳолайдиган мезонлардан бири медиасаводхонлик ҳақидаги фикрлар баён этилган.

«Медиа» атамаси (лотинча - medium, яъни восита, воситачи, усул) турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситасини англатади. Медиа тушунчаси мазмунига ахборотни яратиш, нусхалаштириш, тарқатиш воситаси ҳамда муаллифлар ва оммавий аудитория ўртасида ахборот алмашинувининг техник воситалари киради. Бугунги кунда медиа атамасидан ОАВ ёки масс-медиа тушунчаларининг синоними сифатида фойдаланилади. Ҳозирги замон жамияти тараққиётига медиаларнинг таъсири йил сайин ошиб бориб, улар воситасида инсонлар атроф-воқеликни ижтимоий ва руҳий жиҳатдан англамоқда ва баҳоламоқда. Замонавий медиаларнинг асосий жиҳатлари сирасига тадқиқотчилар креативлик (яратувчанлик, ижодкорлик) ва инновацияларни киритмоқда. Мазкур атамага айнан шундай тавсиф www.edu.jobsmarket.ru сайтида келтирилган. Шу билан бирга бошқа манбаларда ҳам медиа истилоҳига шу тарздаги тавсифлар берилганини кўрамиз. «Медиа - оммавий ахборот воситалари, ҳам кенг, ҳам махсус аудиторияга мўлжалланган кўнгилочар таклифларни тавсия этувчи, янгилик, ахборот ва реклама ахборотини тарқатишга йўналтирилган кўп сонли ва серқирра функцияларни амалга оширувчи коммуникация каналларидир». Аксарият ҳолларда мутахассислар медиа атамаси ўзагида айнан ушбу тавсифни кўради.

Юқоридагиларга асосан Халқ таълими тизимидаги педагогларнинг рақамли саводхонлиги баҳолашда медиасаводхонлик даражасини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Адабиёт:

1. “Рақамли Ўзбекистон-2010” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎзР Президентининг Фармони ПФ-6079. 05.10.2020 й.